

Темурбек эъзозлаган навруз

Б.Юлдошев, Р.Ражабов
Қашқадарё ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари

Оила ризқ-рўзи рамзи ҳисобланган энг асосий уй-рўзғор буюмларидан бири ҳисобланган қозонсиз хонадонни топиш жуда қийин, албатта. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилганидек: “Қозон турли таомлар пишириш, тайёрлаш ва сув иситиш учун чўяндан қуйиб тайёрланадиган рўзғор буюми”.¹

Шакли ва ҳажмига қараб қозон, декча (кичик қозон, қозонча), маърака қозон, дошқозон, ошқозон, маҳалла-гузар қозони, кир қозон каби турларга бўлиш мумкин. Қозон юқорида таъкидланганидек, асосан, чўян, шунингдек мис, алюмин ва бошқа металллардан қуйиб тайёрланган рўзғор буюми ҳисобланиб, таом пишириш, сув қайнатиш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Қозоннинг қопқоғи металл ва кўпинча ёғочдан ясалади.

Юртимизнинг йирик шаҳарларидаги (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб) қозончи, қозон қуювчи дегрез усталар чўяндан қозон ясаш билан шуғулланишган ва ўзлари асосан шаҳарнинг алоҳида Дегрез маҳалла-гузарида кўни-қўшни бўлишиб, биргаликда истиқомат қилишган.

Ўзбеклар ўртасида қозон ва у билан боғлиқ кўплаб ибора ва нақллар мавжуд: “Қозонда бўлса, чўмичга чиқади”, “Ёпиғли қозон ёпиғли қолсин”, “Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса”, “Қозон ўғирлаган қутилди, чўмич ўғирлаган тутилди”, “Қозон олсанг қоқиб ол, хотин олсанг боқиб ол”, “Яхши келса хутни кўр, қозон тўла сутни кўр”, “Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой”, “Қозони бошқанинг қайғуси бошқа”, “Қалин қозон қайнамас, қайнаса ҳам совимас” ва ҳ.к. Кундалик ҳаётда кўпинча “Қозон осиш”, “Қозон қайнатиш”, “Қозонни сувга ташлаш”, “Қозонни илиш”, “Қозонни тўнтариш” каби иборалар ҳам қўлланилади.

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-том.Т.,2008.Б.323.

Илмий изланишларга кўра қадимги Ўзбекистонда аجدодларимиз сопол, тош (мармар), бронза қозонлардан фойдаланишган. 1939 йилда Катта Фарғона канали қазилганда милоддан аввалги 1-минг йилликнинг охирига мансуб бронза қозон топилган. Милоддан аввалги VI-IV асрларда қуйилган машҳур катта бронза қозон ҳозир Ўзбекистон Давлат тарих музейида сақланмоқда. Қозоннинг устидаги тўртта кулоқлари орасига бир-бирининг орқасидан келаётгандай тўртта эчки ҳайкалчалари ўрнатилган. Оғир қозон маълум ибодат анжомларидан бири бўлиши мумкин. У асло бирор оила учун мўлжалланган эмас. Хусусан, ундаги ҳайкалчалар шаклидаги кулоқлар ҳам чархпалак дунё ва унда айланма ҳаракат қилаётган эчкилар ҳақида ҳикоя қилади. Агар зардуштийлар таълимоти ва ўша давр дунё қараши нуктаи назаридан уни томоша қилсак, гуё уч оёқда турган қозон дунё, эчкилар эса осмондаги сайёраларнинг узлуксиз ҳаракати ҳақида ҳикоя қилаётгандек.

Қозоннинг диний маросим ёки ҳаётий эҳтиёжлар туфайли яратилиб, Наврўз ва табиатга бўлган айрича муносабат белгиси эмасмикан, шундай қозонларда “Авесто”да қуйланган “хаома”лар, сумалак ва ҳалимлар пиширилгандир, деган ҳаёл туғилади.²

Наманган вилояти ўлкашунослик музейида эса Ахсикатдан топилган милоднинг VI-VII асрларига оид сопол қозон сақланмоқда.³ Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темури номидаги моддий маданият тарихи музейида ҳам милоддан аввалги III-II асрларга оид сопол қозон сақланмоқда.

Дегрез – форсча – қозон қуймоқ – қозон қуювчи, умуман чўяндан турли буюмлар қуювчи уста деган маънони билдиради. Ўзбекистонда қадимдан дегрезлар (чўянгарлар) – чўянни эритиб, ундан қозон ва бошқа уй-рўзгор буюмлари ясашган. Россия босқинидан сўнг дегрезлик маҳсулотларининг кўплаб олиб келиниши натижасида бу касб сустлашди. XX асрда эса оғир саноатнинг ривожланиши туфайли дегрезлик касби анча барҳам топди.⁴

²Т.Маҳмудов. “Авесто” ҳақида. Т.,2001.Б.48.

³ЎзМЭ.13-ж.Т.,2005.Б.43.

⁴ЎзМЭ.4-ж.Т.,2002.Б.235.

Қадимги афсоналарга кўра скифларнинг улкан қозони бўлган. Буюк муаррих Геродотнинг “Тарих” асарида шундай лавҳа келтирилган: “Бу баҳайбат мис қозон скиф хоқони Аррианнинг фармониға кўра ясалган эмиш. У ўз фуқароларини сонини билиш мақсадида ҳар ким биттадан камон ўқларининг учини олиб келишини буюрибди. Ҳаш-паш дегунча сарой майдонида камон ўқларининг учлари тоғ бўлиб уюлибди. Хоқон бу ўқларнинг барини эритиб каттароқ қозон ясашни амр этибди. Шу тариқа скиф-сакларнинг афсонавий мис қозони пайдо бўлган экан. Бу қозонни муқаддас билишган ҳамда фақат муқаддас маросимлар чоғидагина махсус таомлар пиширишган экан.⁵Улкан мис қозонлар қадимги саклар учун ҳам муқаддас саналганлигини, тангрилар шарафига бағишлаб ўтказилган қурбонлик маросимларида ана шундай қозонларда махсус таомлар пиширилган.

Наврўзни шодиёна сифатида тантана қилган саклар йилбоши кунини таом пиширадиган улкан қозонларни серҳосиллик тимсоли деб ишонишган. Бундай қозонлардан пишган сумалакларни тановул қилган кишига йил бўйи омад, қут-барақа ҳамроҳ бўлади, деб ишонишган. Аجدодларимиз баҳорги ва кузги тенг кунлик нишонладиган байрамларда катта қозонларда қуёш шарафига қурбонлик қилинган. От гўштини пиширишган ва бу таомни биргаликда истеъмол қилишган. Бу удум эл-юрт фаравонлиги ва тўкин-сочинлигини таъминлайди, деб билишган.

Манбаларда Соҳибқирон Амир Темур нуфузли қавмлар оқсоқолларини йиғиб, доимо Наврўз байрами арафасида пайконлардан (найзага қадаладиган уч) махсус қозонлар қуйдирганлиги қайд этилган. Бу қозонларда асосан сумалак ва ҳалим пиширилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида барча қавмлар Наврўзни шод-хуррамлик билан ўтказишган. Тантаналар Самарқандда, унинг атрофидаги Кониғилда, Кўҳак тепалигида, Кешдаги Оқсарой, Бухородаги Баҳоуддин

⁵Геродот. История.Кн.2.М.,1962.С.228.

Нақшбанд мақбараси атрофларида уюштирилиб, “Қозон тўлди” маросими таомлари Соҳибқирон ясаттирган қозонларда пиширилган.

Соҳибқирон Амир Ҳусайн устидан ғалаба қозонган 1370 йилнинг бошларида улус бошлиқлари: Амир Шайх Муҳаммад, Баён Сулдуз, Амир Кайхусрав Хутталоний, Амир Ўлжайтау Апарди, Муъайиддин Арлот, Амир Довуд Дуғлат, Амир Сари Буға Жалойир, амир Жаку Барлос, Зинда Чашим Апардий, Муҳаммад Бадахшон Шохий, Ҳусайн Баҳодир, дин ҳомийси Саййид Барака, Термиз шайхларидан ака-ука Абул Маолий, Али Акбар ва бошқа амирларни тўплаган.⁶ Туркий қавмлар одатига кўра, сипоҳийлардан биттадан пайкон йиғилиб эритилган ва қозон қуйилган. 1370 йил баҳорида Балхда соҳибқирон томонидан ясаттирилган дошқозондан Наврўз айёмида “қозон тўлди” маросимида фойдаланилган. Ушбу ҳашаматли қозон бирдамлик, якдиллик ва уюшқоқлик рамзи ҳисобланган.

Соҳибқирон 1395 йилда ҳозирги Туркистон шаҳри (собиқ Ясси қишлоғи)да машҳур шайх Ҳожа Аҳмад Яссавий қабрига маҳобатли мақбара мажмуа қуришга фармон берган ва мақбара ёнига қирқ қулоқлик улкан назр-ниёз дошқозони қуйдирган. Мазкур дошқозонни уста Абдулазиз ибн Шарафуддин ал-Табризий 1399 йилда Туркистондаги Қарноқ қишлоғида қуйган. Бу дошқозоннинг оғирлиги 2 тоннага, бўйи 167 см га, эни эса 247 см га тенгдир. Ушбу қозон 600 челақ сув сиғимига эгадир.

Ушбу дошқозон жамоатхона ўртасига ўрнатилган. Илгари қозонга қанд қўшилган сув тўлдирилиб, масжид хизматкорлари жума номозидан сўнг шиғобахш ва табаррук оби-ҳаёт сифатида жамоага тарқатишган.

Дошқозон 6 та чироғдон ва эшик тутқичини ясашда турли 7 хил маъдан: олтин, кумуш, қизил мис, рух, қўрғошин ва бронза ишлатилган. Бундан ташқари, узум барги шаклида 10 та катта ҳамда 30 та чўзинчоқ кичик қулоқ ясалган. Шу боисдан уни 40 қулоқли қозон деб ҳам юритилган.

Қозон гардишидан пастда нақш шаклида уч қатор ёзув битилган бўлиб, юқорида: “Дошқозон сув қуйиш учун ясалган. Темурдан маҳобатли

⁶Шарофуддин Али Яздий. Зафарнома. Т.,1992.Б.67.

мақбарага совға” деган ёзувлар битилган. Ўрта қаторда эса: “Бандаи мўминни парвадигорнинг ўзи ёрлақасин” ёзувлари ва қозон ясалган жой ҳамда устанинг исми-шарифи битилган. Энг сўнггида: “Қозонни 801 (ҳижрий) Амир Темурнинг буйруғи билан Аллоҳ-таолонинг ҳалол кули моҳир уста Абдул Азиз ясади” – дейилган ёзув мавжуд. Бу масканда ҳафтада икки марта камбағалларга ва мусофирларга ҳалим тортилган.

Ушбу улкан дошқозон 1935 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург шаҳри)да ўтказилган Эрон ҳунармандчилиги ва археологик изланишларига бағишланган учинчи халқаро анжуманга ҳукумат қарори билан вақтинча олиб кетилиб, Давлат Эрмитажининг қуйи қаватида жойлаштирилган эди. Қозоқ зиёлиларининг жонбозликлари туфайли улкан дошқозон 1989 йил сунбуланинг 18 кунида (9 сентябр) 54 йилдан сўнг асл жойига, Туркистон шаҳрига қайтариб келтирилди.

Туркий халқлар, жумладан ўзбеклар қозон (ноябрь) ойида – чорвадорлар ёз ойларида қатик, сут, пишлоқ, сариёғ каби чорвачилик маҳсулотларини тановул қилишиб, бутун ёз давомида қозон осишмаган. Ноябрь ойида эса буқа, сўқим сўйилгач, қозон осилиб, шу баҳонада меҳмондорчилик қилинган.⁷Шу сабабли ноябрь оyi “қозон” атамаси билан юритилган. Шунингдек, қозоқ ва қирғизларда қозон оyi 27-28 кун, яъни октябрнинг ярмигача давом этган, кишилар сутли овқатдан гўштли овқатга ўтишган.

Ўтмишда Ўзбекистоннинг турли минтақаларида, жумладан Қашқадарё воҳасида “қозон” атамаси (“бир қозон, катта қозон”) катта оилага нисбатан ҳам ишлатилган ва ифодалаган. Чунки катта оиланинг барча аъзолари бир қозон (“чон (жон) қозон”)дан овқатланишган (“Бир қозондан ош еган”). Қозон билан боғлиқ турли эътиқодларнинг илдизлари олис даврларга бориб тақалади. Масалан, экинзор, боғзор, қовун, тарвуз пайкалларидаги ҳосилга кўз тегмасин, деган мақсадда қозикқа тескари қўйилган офтобага қозонкуя суртилган. Мотам маросимларида ҳам қозон билан боғлиқ маълум урф-

⁷Б.Саримсоқов. Ўзбек маросим фольклори.Т.,1986.Б.41-42.

одатлар бажарилган. Азадор хонадонда уч кунгача қозон тўнтариб қўйилган. Майитни ювишда ўлимлик учун сақлаб қўйилган қозонда сув иситилган. Агар махсус қозон олиб қўйилмаган бўлса хонадондаги кир ювишда ишлатиладиган қозондан фойдаланилган. Ушбу қозон қатрон (қозонни обдон тозалаб ювиш, қиздириш ёки куйдириб олиш) қилингандан кейин хўжаликда қайтадан фойдаланиш мумкин бўлган.⁸

Майитни ювиш учун янги қозонда сув иситилгандан сўнг қозон тўнтариб қўйилган ва озгина кул сепилган. Чунки кул енгиллик келтиради, деган тасаввур халқимиз орасида сақланиб қолган. Баъзан мушкуллар осон бўлсин, деб қозон қулоқларига пахта силаб, чироқ ҳам ёқилган. Жанубий Ўзбекистонда “Бошқа ўлим бўлмасин, бундан кейин ёруғлик бўлсин”, деган мақсадда учта кесак қўйиб тўнтарилган қозонга ун ҳам сепиб қўйилган.

Қозоннинг тоза ва покиза тутилишига ҳам катта эътибор берилган. Қозон ўчоқдан олиниши заҳоти махсус қасноқ устига қўйилган ва “шайтон ялаб кетмасин”, деб оғзи қопқоқ билан ёпилган. Таом пиширилган қозон ювиб қўйилган ва “ювилган қозон доимо тилак тилайди”, деган тасаввур мавжуд бўлган. Қозонда паррандаларга овқат ёки дон берилса хонадондан кут-барака кўтарилади, деб ишонилган. Янги келин ҳар хил бало қазолардан сақлансин деб, чимилдиқнинг бурчагига қозонча қўйилган.

Одатда бирон маросим тугагач, қозон тозалаб ювилади ва озода жойда тўй ўтган хонадонда ёки тўп (тўпор) масжидида сақланади. Ошпаз қозон бошига келмасдан олдин таҳорат (ғусл) қилиши шарт ҳисобланган. Узатиладиган қиз сепига кичик қозон қўшилган. Ота хонадонидан рўзғори ажралиб чиқаётган ўғилга ҳам қозон берилган. Қозонда димлаб пиширилган гўшт — қозон кабоб, қозонда тайёрланган таом эса “қозонаки” деб ҳам номланган.

Халқимизда қозон билан боғлиқ даволаш амаллари ҳам бажарилган. Масалан, гўдак баданига яра тошса қозон куяси билан эмланган. Чақалоқ олиб юрилганда учинмаслиги учун пешонасига қозонкуя суртилган.

⁸А.Ашуров. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т.,2002.Б.114.

Эмизикли она сут безлари учига рапида ёки енгча билан, аввало қозоннинг тўрт қулоғига, кейин ерга ва сўнгра онанинг кўкрагига уриб эмланган. Қўрққан кишига ҳам дарҳол қозон қуя ичирилган, бадандаги лат еган жойга ҳам қозон қуя суртилган. Ой тутилса ёки зилзила пайтида қозон капгир билан уриб чалинган.

Одатда ҳут ойининг охириги кечаси, яъни 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оила даврасида “қозон тўлди” маросими уюштирилган. Бунда ҳар бир оила ўз имкониятига қараб бирор бир тансиқ таом пиширган ва қозон тўла бўлишига алоҳида эътибор берилган. Бу соф оилавий удум бўйича ҳар бир оила таом тайёрлаб, аجدодлар ҳаққига “ис” чиқарилган. Шу “ис” ёғи билан ерни шудгорлашга қўшиладиган ҳўкизлар шохлари мойланган (шохмойлар). Бу маросимда пиширилган таомлар бўғирсоқ ва сомсалар қўни-қўшниларга ҳам тарқатилган. Барча идишлар сувга тўлдирилиб қўйилган. Шу тун мобайнида ҳалим (ҳолиса) сумалак ҳам пиширилган, эрталаб эса маърака қозонда пишган таомлар жамоага тарқатилган.

“Қозон тўлди” куни махсус идишлар ун ва буғдойга тўлдирилиб қўйилган, етти хил таом пиширилган. Бу маросимлардан сўнг экин экиш мавсуми бошланган.

Этнографик маълумотларга кўра аجدодларимиз турли маросимларда фойдаланиб, эъзозлаган катта қозонлар ниҳоятда муқаддас ҳисобланган. Чунки кенг миқёсдаги оммавий маросимлардаги дошқозонларда тайёрланган таомлар эл-юртни бирлаштиришга ва ҳамжиҳатликка хизмат қилган.

Ҳар бир тўп, маҳалла ва қишлоқнинг тўй-маъракаларида, оммавий сайилларида таом тайёрлайдиган катта қозонлари бўлиб, шу қозонларда сумалак, ҳалим (ҳолиса) ва бошқа таомлар пиширилган. Бу қозонлар доимо эмас, балки алоҳида муродбахш кунларда, тантанали байрам маросимларида ишлатилган-лиги учун ҳам муқаддас ҳисобланган. Бир қозондан овқат тановул қилганлар яқин қариндошдек бўлиб кетишган. Қозон тўлиши бу мўл ҳосил тимсоли, қут-барака рамзи ҳисобланган. Қозон тўлса эл-юрт тинч бўлади, қут-барака аримайди. Аждодларимиз “Қиш ўтиб кўклам келди.

Қозон тўлди, энди яхши кунларга етишдик, серобликка чикдик”, деб шукроналик қилганлар.

“Қозон тўлди” маросимида аجدодларимизнинг табиатдан мўл-ҳосил, тансиҳатлик, эл-юрт фаровонлиги, кут - баракани тилаш мақсади ётади. Ҳар йили жамоанинг муқаддас қозонларида йил боши – баҳор байрамининг сеvimли таом-лари пиширилган. Бугдой ёки арпа дони ёғоч идишда ўстирилиб, баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг қоқ ўртасига қўйилган. Байрам арафасида етти хил дон (бугдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан гўжа тайёрланган. Дарвишона маросимидаги ёрма ҳам асосан дошқозонларда пиширилган.

Кўриниб турибдики, халқимиз турмуш тарзида асрлар оша сақланиб келинаётган, Соҳиқирон Амир Темур эъзозлаган “қозон тўлди” маросими удумлари жамоани уюштириш, инсонларни ўзаро баҳамжиҳат, тинч-тотув яшаш, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига елкадош, камарбаста бўлишлари ва бир ёқадан бош чиқариб самарали фаолият юритишлари каби қадриятларни халқимизга, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш ҳозирги даврда ҳам ниҳоятда долзарбдир.